



ТОШКЕНТ ОҚШОҒЛИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИНОСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 51 (9.548) 2001 йил 2 май, чоршанба Сутувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Яқунлар чиқарилди, вазифалар белгиланди

КЕЧА

Шаҳар ҳокимлигида ўтказилган кенгашда жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари қараб чиқилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, иқтисод-статистика бош бошқармасининг бошлиғи Н. Хоннов ўз маърузасида биринчи чорада пойтахт иқтисодий ҳаётида бир қатор ижобий силжишлар юз берганини таъкидлади. Жумладан, ички ялпи маҳсулот ҳажми 132,8 миллиард сўмни ташкил этди. Утган йилнинг шу даври билан таққослаганда ўсиш 100,9 фоизни ташкил этди. Турли шаклдаги ҳўжалик юритувчи субъектлар қиёсалма нарҳларда 80,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, ўсиш 109,8 фоизни ташкил этди; 44,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш 100,2 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторининг маҳсулот ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 89 фоизни ташкил этди. 62,9 миллиард сўм фойда олинди. 32,4 миллиард сўмлик ҳажмда капитал жамғарма ўлаштирилди, коммунал аҳамиятидаги бир қатор иншоотлар фойдаланишга топширилди, кам таъминланган оилаларга 62 миллион сўм моддий ёрдам пули тўланди. Бирок биринчи чорада 18,8 миллиард сўм ҳажмидаги солиқ олинмай қолди. 9206 корхона қарздорлар рўйхатида турибди. Туманларнинг пул-кредит комиссиялари ишини яхшилаш лозим. Саноатдаги курсаткилар ҳам қониқш ҳосил қилолмайдми. 53 та корхона бўйича биринчи чорада иқтисодий қура қўрилган зарар 327,8 миллион сўмни ташкил этди. 84 корхона саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг пасайишига йўл қўйди. Бу гап жумладан, Бектемир, Миробод, Чилонзор, Ҳамза, Юнусобод туманлари қорхоналарида тааллуқлидир. Емон ишлаган 57 корхона умумий қилиб ҳисоблаганда 5,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли буюмлари бермади. Кўпгина қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг паст сифатлиги боисидан улар омондорларда қалашиб ётибди. Бундай «маҳсулотлар» 643,6 миллион сўмни ташкил этди.

Серегили, Ҳамза, Юнусобод туманларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш сустлашқ билан олиб боришмоқда. Инвестициялари жалб этиш босқисига ҳам ниҳоясига етмаган ишлар мавжуд. Биринчи чорада қурилиш ташкилотлари капитал жамғармалар ҳажминини тўлғалтиришга улаштирилди. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш курсаткилари қўзда тутилганидан паст, ушга турар йил биноси вақтида фойдаланишга топширилмади, ушга коллежни таъмирлаш ниҳоясига етмади. Ниҳоясига етмаган қурилиш ҳажми 25,9 миллиард сўмликдан ошди. Капитал жамғармаларини ноқилноа тақсимлаш, молиявий манбаларнинг етишмаслиги, қурилиш қорхоналарининг ўз маблағларига эга эмаслиги ана шу камчиликларнинг сабабчисидир. Борзорида хусусий қурилиш фирмаларининг пудрат ишлари ўзининг муайян ўрнини эгаллай олмайди.

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий таъминоти ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб қолмоқда. Бирок, ана шу йўналиш бўйича белгиланган топшириқларнинг Акмал Икромов, Мирзо Улугбек, Сергегили, Шайхонтоҳур, Яқасарой туманларида улдасидан чиқилмади. Бектемир тумани бўйича эса умуман экспорт қилаётган маҳсулотнинг ўзи йўқ. Шундай қилиб, биринчи чорада ўлаштирилмаган экспорт 21,1 миллион долларни ташкил этди. Йиғилиш кун тартибига уй-қой-коммунал ҳўжалигидаги ишловларнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам киритилган эди. Таъкидлаб ўтилганидек, бу масалалар уй-қой ширкатлари ташкил этиш, кўпгина масалалар, шу жумладан коммунал тўловлар, маҳалла қўмиталарини ана шу ишларга жалб этиш, сув, иссиқлик, газни тежаб-тергаб сарфлаш билан боғлиқдир.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Шоабдурахмонов пойтахтда кичик ва ўрта бизнеснинг қандай ривожланаётганини тўғрисида тўпаланларга сўзлаб берди. У биринчи чорада тадбиркорлик фирмалари ва компанияларнинг сонини ошганлиги кўшимча 110 минг янги ишчи ўринларини яратиш имконини берганлигини таъкидлади. Ҳозирги пайтда пайтахт кичик ва ўрта бизнесида 30 мингдан зиёд мутахассис банд. Утган йилнинг шу даври билан таққослаганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 133 фоизни ташкил этди, кичик ва ўрта бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги, пулли хизмат қўрсатишидаги, чакана товар айланмасидаги улуши ошди.

Бирок, ҳали тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақит бераётган жиҳатлар ҳам бор. Улар сирасига кичик ва ўрта бизнес қорхоналарини рўйхатдан ўтказиш пайтда йўл қўйилаётган қондабузарликлар, туман ҳокимликларида аризаларни қўриш мuddатларининг чўзилиши ва бошқа қатор камчиликлар кирди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши далиллари бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда. 71 нафар масъул ҳодим маъмурий томондан жазоланди. Шаҳар тавар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳам тадбиркорлар манфаати йўлидаги фаоллигини ошириш керак.

Йиғилишда маъруза юзасидан бўлган музокараларда шаҳар Адлия бошқармасининг бошлиғи Й. Турсунбоев, «Электросвязь» қўшма қорхонасининг директори В. Шевченко, «Каноп» қорхонаси директори Д. Осалдуқ, «Мададкор» қорхонаси директори В. Шарипов, «Узўйжойжамғармабин» Тошкент бўлимининг бошлиғи З. Тўйчиев қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов қатнашди ва сўзга чиқди.

КЎРГАЗМАЛАР

Ўзбекистон: мозий дурдоналари



Утган кун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи Давлат музейида эрта тонгдан карнай-сурнай наволари янграб, ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига қорлади.

Музейда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон: мозий дурдоналари» мавзусидаги кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Б. Йўлдошев кўргазманинг мазмун, моҳияти ва аҳамияти тўғрисида сўзлади. Кўргазманинг очилиш маросимига бағишланган матбуот конференциясида олимлар журналистлар саволларига жавоб қайтардилар.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов қатнашди.

Шундан сўнг меҳмонлар музей заллари бўйлаб кўргазмаларни томоша қилдилар. — Ушбу кўргазма мустақил Ўзбекистонимизнинг қадимий ва бой тарихига эга эканлигини бутун жаҳонга намойиш этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти директори Дилором Алимова. — Кўргазмада ҳақиқатан жуда ноб асарлар ва янги топилмаларни қўриб катта қизиқиш билан томоша қилдик. Айтиш мумкинки, қадимда бизнинг давлатимиз буюк ва чўқур илмий бўлганлиги, янги, қадимги дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўша-

нидан далолат беради. Ҳақиқатан, кўргазмани айланар экансиз, «Қадимий аждодларимиз тарихи» бўлимида инсоният тарихининг қадимги даври ҳақидаги маълумот Фарона вилояти Сўх туманидаги Археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашввий далиллар асосида намойиш этилган. Олимлар олиб борган тадқиқотлар ва бу топилмалар одамзод Ўзбекистон ҳудудида бундан 1 миллион 200 минг йил аввал яшаганини кўрсатади. Кўргазмада бошқа ёдгорликлардан топилган турли иш қуроллари, қўлчилик, заргарлик буюмлари намойиш этилган. Айниқса, Сурхондарё вилоятидаги Сополитена ва Жарқўтон ёдгорликларидан топилган ашввий далиллар Ўзбекистонда шаҳар маданияти бундан 3,5-4 минг йил аввал шаклланиб, шунингдек, давлатчиликнинг ташкил топиши қадимийлигини кўрсатади.

Қадимий аждодларимизнинг ҳаётий тушунчалари ва диний эътиқодлари ҳақида ҳикоя қилувчи лой ҳайкалчапар, мит-ти оstonдорлар, тош буюмлар, икита илон тасвирланган қимматбаҳо қора тош (херозолит)дан ишланган «тош тумор» кўргазмага ташириб буюрганларнинг диққатини тортмай қўймайди. Шунингдек, кўргаз-

мада илк бор миллоддан аввал II-I асрларга оид асқода аёл қабридан топилган олтин, кумуш, мис ва қўлчилик буюмлари намойиш этилган. Кўргазманинг «Ўзбекистон диёрида диний бағрикўрлик» бўлими ҳақида Ўзбекистондаги бир неча динлар — зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом дини ҳақида ашв-лар асосида ҳикоя қилади. Кўргазмадан зардуштийликнинг қадимий китоби «Авесто»нинг нусхалари, уларнинг маросимлари ҳо тош ва сопол ишлар, сопол тобуғ — оstonдорлар жой олган.

1200 экспонатдан иборат ушбу кўргазмада ислом дини, ислом маданиятидан ҳикоя қилувчи қўлбама китоблар, қўлчилик буюмлари, Қуръонни қаримчилик кўйи хатида битилган IX аср нусхаси, буюк аломатлари Ибн Сино, Абдураззоқ Самарқандий, Бурхониддин Марғиновий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарлари ўрин олган. Давлатчилик рамзаларида ҳисобланган ноб ашвлар — танга пуллар ҳам кўргазмадан жой олгани, улар Ўзбекистон тарихининг даврлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил қилинган ушбу кўргазма апрель ойидан бошланиб, октябрь ойигача давом этади. (Ўз мухбиримиз).

ҚИСҚА САТРАРДА

КЕЧА Ўзбекистон Миллий Университети ва Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўрашлари ҳамкорлигида мазкур университетнинг маданият саройида «Истиклол йиллари аёли» мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни бекис эканлиги ҳақида сўз юритилди.

КЕЧА Бектемир туманининг барча мактабларида саломатлик кунини ўтказилди. ХАМЗА туманидаги бешта мусиқа мактабларининг 88 мусиқачилари ортимиз истиқлолнинг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йили муносабати билан Алишер Навоий номи Давлат академик Катта театрида ўтказилган мусиқа фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишлари. Фестиваль меҳмонлари бунда мусиқа мактабларининг дўстлар, рубобчилар ансамблларини ижросида қўй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 34, 50, 103 мактабларнинг ўқувчилари ва 24-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари халқаро Ёшлар марказида Ўзбек миллий эстрада санъатининг асосчиси Ботир Зокиров таваллудининг 65 йиллигига бағишланган концерт дастурини намойиш этишди. Ушбу кечада иштирок этган машҳур санъаткорнинг ўқиси Ўзбекистон халқ артисти Фарҳур Зокировнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

ЎЗБЕКНАВО» Гастроль-концерт беришмаси. «Гечинг» компанияси ва Италиянинг юртимиздаги элчионаси ҳамкорлигида «Италия мусиқачилари» кечаси ўтказилди. Ана шу муносабат билан Италиянинг Ўзбекистондаги элчионасида маъмурий анжумани бўлиб ўтди. КЕЧА «Туркистон» саройида ортда ўтказилаётган Мухтор Ашрафий номидаги ёш мусиқачиларнинг республика қўриқчалари нихоясига етди. АНДИЖОН шаҳрида 12-13 май кўнлари «Катта ашула» ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови ўтказилди. Кеча «Туркистон» саройида «Ўзбекистон» Давлат концерт беришмаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг санъатшунос олимлари ҳамкорлигида «Катта ашула» танлови ўтказишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ШАХМАТ бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Қосимқонов Бундеслига мусобақаларида қатнашиш учун Германияга ҳўнаб берди.

ХАМЗА туманидаги Аҳмадқўсов Назаров номи маҳаллада футбол стадиони қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқинда маҳаллалар жамоалари ўртасида маҳалла «Футбол» келага» турнирида Аҳмадқўсов Назаров маҳалласидан ташкил топган ушга футбол жамоаси қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақдирини муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳўжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Авлодлари соғлом юрт қудратли бўлур!

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимиз бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз — Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури каби мард ва ботир инсонларнинг авлодсиз, сиз — буюк юрт фарзандларисиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларига йўлаган табригидан.



Авал хабар берганимиздек, утган кун Жиззах шаҳрида мамлакатимизда илк бор ўрта махсус касб-ҳўнар таълими тизимида таълим олаётган ўқувчиларнинг бирдмаллиги, ҳамжихатлиги рамиз бўлган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига старт берилди. Бу байрам доғрасида академик лицей ва касб-ҳўнар коллежлари ўқувчилари спортнинг етти түри (футбол, волейбол, баскетбол, сузш, теннис) бўйича беллашувларни қизгин бошлаб юбордилар. Маълумки, ушбу спорт йўналишининг биринчи саралаш босқичи мусобақалари 830 та ўрта махсус, касб-ҳўнар таълим даргоҳларидан 538 минг ўқувчи иштирок этди. Мусобақаларнинг иккинчи шараф, вилоятлар босқичи саралаш натижалари бўйича айни пайтда голиблик учун Жиззах вилояти спорт майдонларида ўзаро куч синаямоқда. Бу мусобақаларда пойтахт ёшлари ҳам уларнинг спорт маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Бу тушунарли, албатта. Чўнки «Баркамол авлод» спорт мусобақалари голибларини 265 олтин, кумуш, бронза медаллари икки мингта мусобақа рамиз ширинлиги кўрақ нишонлари тўқмоқда. Шунингдек, улар учун компьютер, телевизор, магнитофон каби қўнлаб қимматбаҳо ва эсдалик совғалари ажратилган. Ҳўн, ана шундай мукофотларни ким ҳам қўлга киритиши келмайди. Шу боисдан ҳам бўлаётган беллашувлар қизгин ва муросасиз руҳда ўтмоқда. (Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш пайти.

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Шаҳарларни юксалтириб, инсонларни яқинлаштириб

КЕЧА «Ўзкўргазмасавдо» республика кўргазмалар марказида «Берлин—Тошкент архитектураси ва шаҳарсозлиги» мавзусидаги кўргазма ўз ишини бошлади.

Кўргазма «Берлин—Тошкент шаҳарлари архитектураси ва режалаштириш» умумий номи остида бир қатор тадбирларни очди. У май ойининг биринчи яри мубайнида давом этади. Кўргазма ташкилотчилари — Гёте институти фикрича кўргазмалар, маърузалар ва амалий семинарлар биродарлашган шаҳарлар Берлин ва Тошкентнинг юксалиши билан шуғулланувчи кишиларни бир-бири билан яқинлаштириш керак.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ушбу таъкидладики, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик кўпгина йўналишда бўйича ривожланиб бормоқда ва йилдан йилга у янада фаолроқ ва самаралироқ бўлмоқда. Ана шу ҳамкорликда икки мамлакат мутахассислари ўртасида иқтисодий ва маданиятнинг турли соҳаларидаги таъриба-ларнинг ўртолқилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шаҳарсозлик босқисиди таъриба-ларини ўртолқилиш гоёси ҳам ўз-ўзидан тушунарлидир. ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Мартин Хекер бундай тадбирларнинг икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва маданиятларнинг яқинлаш-тириш аҳамиятини таъкидлади. Берлин сенати қурилиши



ёти вазифаларини ҳал қилаётганлиги менда катта таассурот қолдирди. — Шунга ўхшаш ҳар қандай тадбир кенг жамоатчилик ва мутахассислар учун жуда ҳам фойдаланди, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг фан бўйича проректори Дилшод Латипов, — биз бундай кўргазмалар пайтда ўзимиз учун янги гоғларни очамиз, янги одамлар билан танишамиз, ҳамкорликнинг янги истиқболларини топамиз. Бўлиб ўтаётган семинарлар пайтда талабаларни айирбошлаш, маърузалар ўқиш бўйича ижодий ҳамкорлик ришталари ўрнатилди, бизнинг институтибиз билан Берлин университети ўртасида ахборотлар айирбошлашга асос солинади. (Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: «Берлин—Тошкент архитектураси ва шаҳарсозлиги» кўргазмасида. Сергей Любич олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати; ор-номусини, миллий аънаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз қўчларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид тузум даврида миллион-миллион беғуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

1. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси фаоллари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакилларининг мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.
2. Қатагон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август кунини — Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.
3. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик кенгаши, «Шаҳидлар хотираси», «Нуроний» жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюмларга бир ой мuddатда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.
4. Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига пухта тайёргарлик қўриш ва маросимни юксак даражада ташкил этиш мақсадида тузилган комиссия таркиби тасдиқлансин.
5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда «Қатагон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолоштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этсин.
6. Утелерадиокомпания, УЗА ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Қатагон қурбонларини ёд этиш кунининг маъно-маъмуни ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тавсия этилсин.
7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юксалин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 1 май.

XXI аср

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашининг Иқтисодиёт, молия ва банк соҳаларини ислох қилиш, бозор тамойиллари ва механизмларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.
- Навойида «Президент асарлари билимдонлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди. Унда «Президент асарларини ўрганамиз» клуби аъзоларидан тўққиз нафар қатнашди. Танловда 12-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулрух Самадова биринчи ўринни эгаллади.
- Халқаро «ЕКОСАН» жамғармаси тушаббўси билан ташкил этилган саломатлик поезди Сурхондарёга йўл олди.
- Гулистонда бўш иш ўринлари ва лавозимлари ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоят марказидаги 550 дан ошқ бўш иш ўринларига эга 80 га яқин корхона ва ташкилот иштирок этди.
- Бухорода республика тиббиёт институти талабаларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.
- Нукусда «Йил ўқувчиси-2001» аънавий кўрик-танлови ниҳоясига етди.
- Андижон ўлкашунослик музейида Ўзбекистон Вилоий академияси, республика «Унарманд» уюшмаси Билди бўлими, вилоят адабиёт ва санъат, ўлкашунослик музейлари ҳамда маданият ҳодимлари қасаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамкорлигида расомлар кўргазмаси ташкил этилди.
- Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театрига Захириддин Мухаммад Бобур номи берилди.
- Урганчдаги Пахлавон Махмуд номидаги спорт мажмуининг теннис кортиларида катта теннис бўйича аънавий «Ихлос» турнири бўлиб ўтди.
- Республика касб-ҳўнар таълимининг ривожлантириш институтида «Устоз» жамғармаси ташаббуси билан Канаданинг СБИЕ — халқаро таълим бюроси ҳамда Ново Скотия коллежлар уюшмаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Россия Президенти Владимир Путин шу йил охиригача икки бор Хитойга расмий ташири буюради. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Игорь Иванов хабар қилди.
- Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Миср Президенти ва Иордания қироли билан учрашувдан сўнг тўрт кунлик ташири билан АҚШга йўл олди. У шунда икки йил Шарқдаги беқарор вазиятнинг олдини олиш мақсадида БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, АҚШ Президенти Жорж Буш ва Давлат қотиби Коулин Паулз билан учрашди.
- Бугун Ереванга республика раҳбарияти билан икки томонлама алоқаларни қучайтириш масаласи ҳусусида музокара олиб бориш учун Ливан Президенти Э. Лахуд ташири буюради.
- Кеча Иорданиянинг Исроил билан боғловчи Иордан дарёси устида қурилаётган 120 метрлик кўприк фойдаланишга топширилди.
- Бортида илк фазовий сайёх Деннис Тито бўлган Россиянинг «Союз-ТМ» кемаси Халқаро фазовий станция билан муваффақиятли туташган эди Кеча Д. Тито фазода туриб, CNN, NBC ва ТВ-6 журналистларига интервью берди.
- Грузия янги ҳарбий иттифоқларга ҳам, уларни ташкил этиш ишига ҳам қўшилмайди. Президент Эдуард Шеварднадзе Арманистон оммавий ахборот воситаларининг Туркия билан Грузия ўртасида ҳарбий ҳамкорлик фаоллашайгани тўғрисидаги хабарларга жавобан шундай деди.
- Филиппиннинг собиқ Президенти Жозеф Эстрада тарафдорлари унинг хибсга олинишига норозилик билдириш учун Манила қўчаларига чиқди. Кеча полиция билан тўқнашувда икки нафар намойишчи қурбон бўлди.
- Бугун Эронда июнь ойи бошида ўтиши мўлжалланган сайловларда президентлик номзодларини рўйхатга олиш бошланди.
- Кеча АҚШ Президенти Жорж Буш миллий мудофаа университетида сўзга чиқиб, ракетага қарши янги мудофаа миллий системасини яратиш ниятида эканлигини билдирди.



Иқтисодиёт ривожига муҳим ҳисса

Пойтахтимизда беш йилдан бери яхши анъанага айланган, мухташам «Узқўрғазмасавдо» ярмарка савдо марказида шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулк кўмитаси шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ташкил этган «Тошкент савдо-саноат ярмаркаси» тўрт кун давом этиб, ўз ниҳоясига етди.

Тадбирни очган Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси» ҳамкорлик алоқалари ва ишбилармонлар учралиш маркази бўлиб, узаро фойдали ҳамкорликка асос яратилиши, янги фикрлар тугилишига ва уларни ишлаб чиқаришга тadbиркорларнинг келиши ҳамда унинг миллий иқтисодиётимиз ривожига сезиларли ҳисса қушиши алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам бу фикрлар ярмарка давомида ўз исботини топди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси вазифини бажарувчи Садриддин Ҳақимов: «Шунингдек, катта илмий техник салоҳият ва янги гойаларга эга бўлган Фан ва техника Давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам иштирок этди. Шуниси қувонарлики, утган йилгидан анча кўп — 235 та турли мулк шаклидаги корхоналар иштирок этган бўлса, уларнинг кўпчилиги иқтисодиётимизга муносиб ҳисса бўлиб қушиладиган янги — рақобатбардош, импорт уринни босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларини намойиш этидилар. Шу боис ҳам утган 4 кун давомида ярмарка залларидан барча қизиқувчиларнинг

қалами узилмади. Чет эл элчионаларининг вакиллари ҳам ярмаркага ташриф буюрдилар. Ярмарка иштирокчиларига барча шароитларнинг яратилганлиги, яъни бу ерда кичик ва урта бизнесни, хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Марказий Банк Тошкент шаҳар бошқармаси ва тижорат банклари, шаҳар божхона бошқармаси, шаҳар бош солиқ бошқармаси, республика товар хом ашё контракт комиссиясининг хизматларининг ташкил этилганлиги ўз самарасини кўрсатди. Ярмарка давомида ташкил этилган «Ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий асоси», «Қушма корхоналар, савдо уйлари ташкил этиш, ватандош экспортчиларни қўллаб-қувватлаш», «Интернет ва маълумотлар технологиялари буйича мутахассислар тайёрлаш» ва «Оналар ва болалар йилда тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш муаммоларини ҳал этиш» мавзудаги семинарлар барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Бир суз билан айтганда, ярмарка пойтахт иқтисодий салоҳиятини яна бир бор намоён этди.

«Ярмарканинг энг яхши тadbиркор аёли», «Сифатли қурилиш материаллари учун», «Ярмарканинг энг яхши мебель маҳсулоти» сингари номинациялар ана шулар жумласидандир. «Мавж», «Узқайноқ», «Майшийкимё», «Мактаб-мебель», «Билдинг технолоджи» қушма корхоналари, «Истал», «Супромед» илмий ишлаб чиқариш корхоналари, «Этикол», «Она Нафиса» фирмалари, «Тансиқ-нон» корхоналари голиблар сафидан урин олди.

«Ярмаркада биз ўз маҳсулотларимизни намойиш этиб, бир қанча шартнома-лар тузишга муваффақ бўлдик, — дейди «Импорт уринни босувчи энг яхши маҳсулот учун» номига сазовор бўлган «Мавж» Ўзбекистон-Англия қушма корхонаси директори Неъматилла Зиевуддинов. — Корхонамизда 70 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қиладим. Биз четдан келтирилган маҳсулот уринни босувчи тез пишидан угра, ювиш воситалари ҳамда шампуларнинг 50 га яқин турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, яқинда янги маҳсулот — тиш ювиш пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Цехларимиз юксак унумли хориж технологияси билан жиҳозланган. Келгуси ниятимиз эса маҳсулотларимиз билан жаҳон бозорига чиқиш. Бу ерда утказилган ярмаркада жуда кўп нарсаларни урганишга муваффақ бўлдик.



«Ярмарканинг ёпилиш маросими ҳам узига хос руҳда ташкил этилиб, унда корхоналарнинг муваффақиятлари алоҳида таъкидланди. Ярмаркада 20 дан ортиқ номинация буйича голиблар аниқланиб, уларга Диплом ва совгалар топширилди. «Экспортга қаратилган энг яхши маҳсулот учун», «Импорт уринни босувчи энг яхши маҳсулот учун», «Маҳсулотнинг юқори дизайни учун», «Энг яхши инноваци-



АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Илмий-амалий конференция

Аввал маълум қилганимиздек, Тошкент шаҳар касба уюшмалари фаолларининг «Конституция: ҳуқуқ ва касба уюшмалари» мавзудаги илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар касба уюшмалари кенгашининг раиси М.Содиқов олиб борди.

Расулик қилувчи жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий қондаларини пухта ўзлаштириш ҳуқуқий — демократик давлатни барпо этишнинг муҳим шarti эканлигини таъкидлаб, бу борада касба уюшмалари олдида турган вазифалар ҳамда ўтаётган конференциянинг аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратди. Айни пайтда нотик Республика Конституциясининг жамоат бирлашмаларига оид бандлари асосида касба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишлари учун кенг шароитлар яратилганлиги ҳамда касба уюшма ташкилотларининг шу йўлдаги серқирра фаолиятига қисқача тўхталиб ўтди.

Анжуманда «Конституция: ҳуқуқ ва касба уюшмалари» мавзуда «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент бўлимининг раҳбари, техника фанлари доктори, профессор С.Салимов маъруза қилди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бош қомус билан мустаҳкамланган сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, меҳнат қилиш, билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлардан кенг хабардорликнинг ролига батафсил тўхталиб ўтди. Маърузачи бу ишда «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда унинг жойлардаги тузилмалари, хусусан, Тошкент бўлимида тўпланган ижобий тажриба ва уни кенг ёйиш борасида амалга оширилаётган тadbирлар ҳақида гапириб берди.

Шу мавзу юзасидан «сўзга чиққан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири А.Ақромов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий мазмунини кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан, пойтахт газеталарининг олиб бораётган ишлари хусусида фикр юритди.

Пойтахтдаги 2-автокомбинат касба уюшма кўмитасининг раиси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими муdiri Н.Осипов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳар бир фуқаро изчил ўрганиб ҳаётга талбиқ эта бориш заруратини исботловчи нуқталарга тўхталиб, бундай қилиш ҳар бир меҳнат кишининг ўз бурчида маъсулиятини ошириш билан бирга ҳақ-ҳуқуқлари до-

расида ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Пойтахт маданият ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитасининг ташкилий бўлими муdiri Л.Шустяк ўз сўзида асосий эътиборни ҳуқуқий билимни ошириш масалаларига қаратди. Нотиқнинг фикрича, ҳар бир меҳнат киши-си, тadbиркор, мутахассис ёки раҳбар ҳуқуқий маданиятини ошириш устида ишлаши лозим. Бунда республика Конституцияси моҳият ва мазмунини пухта ўзлаштириш буйича Президентимиз фармоишида белгиланган чора-тadbирлар изчил амалга оширилиши катта аҳамиятга эга.

«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси М.Отажонов қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий далолатномаларни ҳаётга талбиқ этиш муаммоларига тўхталиб, бу ишдаги изчиллик, юксак самарадорлик меҳнат аҳлида янги ҳуқуқий онг ва янги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Тошкент Давлат юридик институти конституцион ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси У.Ҳатамов давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар масаласига тўхталиб, биз бунёд этаётган ҳуқуқий-демократик тузумда давлат ҳам, жамият ҳам инсон ва унинг фаровон, тўлақонли ва серфаёз ҳаёт кечиришига хизмат қилишни таъкидлади. Шу муносабат билан ҳар бир фуқаронинг шахс сифатида шаклланишини таъминлаш муҳим вазифадир.

Конференция қатнашчилари буюк Истиқлолнинг ўн йиллиги байрамини Конституциянинг белгилаб берган қомусий қонунқондаларни бажаришда умумхалқ яқдиллигига эришган, давлат, жамоат ва шахснинг ўзаро уйғун муносабатлари шаклланган ҳолда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-сисий фаолияти юксалган бир вазиятда кутиб оладилар, дея таъкидладилар. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг тарғиб этиш ва тушунтириш буйича тавсиялар тасдиқланди. Бундай анжуманларни тез-тез ўтказиб туриш зарурати айтилиб, уларни мунтазам ташкил этиб бориш, жойларда бу ишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этиш тadbирларини кўриш тақдир этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ

Нигора Тоғаева бир неча йилдирки, пойтахтимиздаги «Узкимё-фарм» хиссадорлик жамиятининг ампула цехида фаолият кўрсатиб, эл саломатлигини мустаҳкамлаш борасида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Нигора бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлардан мамнунлигини куйдагича изҳор этади:

— Мамлакатимизда ёшларга билим олиш учун, танланган касб-хунар буйича меҳнат қилиш учун барча шароитлар мавжудлиги мени қувонтиради, — дейди у. — Тошкент фармацевтика институти биотехнология факультетини тугатган ушбу корхона лабораториясида ишлаш бошладим. Институлда олган билимим, бу ердаги устозларимнинг маслаҳатлари мени хамиша шижоат билан ишлашга ундади. Тўғриси, жамоада ёшларга ишонч ва эътиборнинг ба-

ландлигидан мамнун бўлдим. Айниқса, касбимга бўлган муҳаббатим, корхонадаги билимимни намоён этиш учун имкониятларнинг мавжудлиги мени бирор дақиқа ҳам бўш турмасликка ундарди. Ишга

Қалбида шижоат бор

қалганимга икки ой бўлмай ишга келган кунларидеҳ меҳнатсеварлиги, ёшларга хос оловқалблиги кўпчиликнинг эътиборини тортди, — дейди корхона касба уюшмаси раиси Дилдора Абдуллабекова. — Уни ампула цехига уста қилиб ишга ўтказганимизда буни барча маъқуллади. У эса ишончимизни меҳнати, ҳар бир ишнинг урдасидан чиқиши билан оқламоқда.

Нигора Тоғаева ўз усти-

да тинмай ишлайди, корхона муваффақиятига муносиб ҳисса қўлишига интилади ва шу билан бирга жамоасидаги тенгдошларидан ҳам шунини талаб қилади. У Ўзбекистонимизнинг барча соҳалар буйича жа-

хонга танилишини, бу борада ёшларнинг муносиб ўрни, бекиёс ҳиссаси бўлишини истади. «Бунинг учун, — дейди Нигора фахр билан, — ҳар биримизда миллий гурур бўлиши керак. Миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ардоқлашимиз, аждодлар меросини кўз қорачигидек асрашимиз лозим. Гузаллик, бахтиёрлик онлари бўлган ёшлигимизни фақат яхши ишларга сарфлашимиз керак. Шунда қўзлаган мақсадимизга эришамиз».

Нигоранинг сўзларида ишга келган бора келган кунлардаги шижоати қалбидаги орзуларининг рўйбета чиқишини далолат бермоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА

БАНДЛИК

Фойдали ярмарка

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг туман бўлимлари ҳар йили шахримиздаги иш билан банд бўлмаган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш мақсадида турли йўналишларда меҳнат ярмаркалари ўтказиб туради. Пойтахтимизнинг Хадра майдонида бўлиб ўтган Шайхонтоҳур тумани меҳнат бўлимининг худудий меҳнат ярмаркасида тумандаги 17 маҳалладан 374 нафар ёш иштирок этди.

Ўн бешта йирик ва кичик корхоналар иштирокида ўтказилаётган ярмарканинг бошқаларидан фарқи шунда бўлдики, унда асосан мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ҳамда талабалар қатнашди. Улар бу ерда бўш иш жойлари ва керакли касбга ўқиш имкониятлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлишди.

— Бизларнинг ёшимизда битта муаммо бор, у ҳам бўлса ўзимизга муносиб касб танлаш. Чунки бирор бир хунарни муҳаммал эгаллаш катта бахт, — деди 137-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Зухра Ғофурова. — Ярмаркага келиб хурсанд бўлдим. Қарангки, биз ёктирган ва айни пайтда зарур бўлган касб ва мутахассисликлар буйича ўқиш учун катта имкониятлар бор экан. Мен ҳам мактабни битирганимдан сўнг ўзимга ёққан касб буйича бу ўқув марказида ўқимокчиман.

— Бу ярмаркани ўтказишдан мақсад ёшлар қалбида ҳозирдан қандайдир хунарга меҳр уйғотиш, қолаверса иш берувчи ёки касбга ўргатувчи билан юзма-юз ҳам-

фикр бўлиш, бир-бирининг имкониятлари билан яқиндан таништириш, — деди туман меҳнат бўлими бошлиғи Маъсуда Каримова. — Бу ишда бизга аввало маҳалла кўмиталари яқиндан ёрдам беришлари керак. Шу билан бирга ота-оналар ҳам бунда четда қараб турмаслиги лозим. Чунки мактабни тугатган ўсмир меҳнат бозорига ўзига муносиб касб ёки иш топиши бироз қийин бўлмоқда. Ўтган йили бўлимимизга 2250 нафар фуқародан аризалар тушди. Шулардан 1850 нафари ишга жойлашди. Бу фуқароларнинг асосий қисмини ёшларимиз ташкил этади. Уйлайманки бугунги ярмарка давомида ёшларимиз ўзларига керакли бўлган барча маълумотларни олишди.

— Айни пайтда бизнинг маҳалламизда 33 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларда 1840 та хонадон истиқомат қилади. Шунингдек маҳалламиз худудига бир қатор йирик ташкилот ва корхоналар жойлаш-

ганлиги боис ишсизлик унча сезилмайди. Бинобарин, ҳар доим бевосита туман меҳнат бўлими томонидан маҳаллага бириктирилган инспектор Шохидда Муминова билан ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз, — дейди «Хадра» маҳалласи оқсоқоли Тохир Муслимов. — Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, керак бўлса амалий қўмақ бериш биз катталарнинг вазифамиз. Шу ўринда мана бундай тadbирларнинг фойдаси катта. Кўриб турганимиздек бу хизматларнинг барчаси бепул қилинапти. Мана ўқув марказида йилгирмага яқин турли мутахассисликлар буйича ўқиш ўрганишлари, шунингдек, «Уста-шогирд» услубида ўқув курсларида миллий хунармандчилик сирларини пухта эгаллашлари ҳам мумкин экан. Бу ташкил этилган ярмарканинг ёшларни, вақтинча ишсиз фуқароларни меҳнатга жалб этишда, уларга ёрдам беришда фойдали томони жуда кўп.

Очил ҲАЗРАТОВ

Киноижодкорлар мулоқоти



Тошкентда бир гуруҳ кино санъати арбоблари, ижодкор зиёлилар иштирокида ўзбек миллий киносанъатини ривожлантириш, бу борадаги ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов давра суҳбатини бошлаб берар экан, кино санъаткорлари олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Мулоқотда мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёни кино санъатида ҳам муайян даражада ўз аксини топаётгани, давлатимиз томонидан кино санъаткорларининг эркин ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилгани алоҳида қайд этилди.

Мустақиллик йилларида кино санъати намояндалари ижодий эзланлиги натижасида ўзбек адабиётининг сара намуналарига мурожаат қилиб, «Ўткан кунлар», «Воиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Имом ал-Бухорий» сингари кўпчилик томошабинларнинг тилига тушган бир қатор бадиий ва ҳужжатли фильмларни яратдилар. Шу билан бирга, кейинги пайтларда бугунги талабларга жавоб бера олмайдиган, томошабиннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмайдиган бадиий саъв, гоёвий бўш фильмлар ҳам ишлаб чиқарилди.

Маълумки, кинофильмларнинг асосини мукаммал, бадиий пухта кино-сценарийлар ташкил этади. Долзарб мавзуларда сценарийлар яратишга, режиссёрлар талашга эътибор суйгани, бу ишларни амалга ошириш шарт бўлган Бадиий кенгаш фаолияти тўғрисида таъкид этилди.

ти тўғрисида таъкид этилди.

Суҳбат қатнашчилари мавжуд муаммолар тўғрисида гапирар эканлар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида амалий тақлифлар билдирдилар. Яратилаётган фильмларнинг томошабинларга вақтида етиб бормаётгани, кенг намоиш этилмаётгани, видеокассеталарда тарқатилмаётгани ҳақида куйиниб гапирдилар. Бугунги кунда кино соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, иқтидорли ёшларнинг «Умид» жамғармаси орқали хориждаги нуфузли кино санъати ўқув юрталарида таҳсил олишларини ташкил этиш вақти келгани ҳақида фикрлар билдирдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари ўзбек кинематографиясини тараққий эттириш ва бу соҳадаги ислохотларни тўла амалга ошириш бўйича Кенгаш тузишни тақлиф этидилар.

Суҳбатда кинорежиссёр Ш. Аббосов, ёзувчилар Э. Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, санъатшунослар Х. Акбаров, С. Хўжаева, Н. Каримова, кинодраматург Р. Муҳаммаджонов, киномуҳандис А. Хидоятлов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

(Ў.А.)

Муҳим мавзуда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова олиб борди. Шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва унинг уюшмалари, мажмуа таркибига кирувчи жамғармалар вакиллари ўзларининг иш фаолиятларида оила-ларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқ ва таълим-тарбия, санолатлик, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда хотин-қизлар кўмиталарининг иш фаолиятларидаги мавжуд камчиликлар ҳам аниқланиб, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда, ёш йигит-қизларни маънавий, психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди ва юқоридаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)



Богда сайр.

Шарқ дурдоналари



- Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва гидроқидир.
- Отадан фарзандга энг хайрли мерос — одоб, гўзал ахлоқдир.
- Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йиғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.
- Сукрот ҳақим айтади:
 - Ҳикматнинг боши эзгу ҳулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушлик билан ўтади. Одамларнинг кўнгилларига унинг муҳаббати ўрнашади. Хар ким ёвуз хулқли бўлса машақти тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.
 - Машҳур донишманд Бузургмехрдан:
 - Инсоф нима? — деб сўрадилар.
 - Инсоф одамнинг ўзига нимани раво кўрса бошқа кишига ҳам шуни раво кўришидир, — деб жавоб берди Бузургмехр.
 - Энг яхши одам ким?
 - Ақли одам.
 - Қандай кишини ақли одам деса бўлади?
 - Ақли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

Байт:
**Кимки хушхулқ доимо бўлмай омон,
 Яхшилик қилса, сира этмас зиён.**

● Инсоннинг хайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир. Инсон ақли, эҳти билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.

Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир», деган. Ақл — раъйининг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунганидан тажрибадор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлай бермаслик, жохил ва нодоннинг сўзларига сукот билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида хар инсон учун голийбият ва садоқат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққати унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукот инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг истаганига қараб иш олиб боришдир.

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда калтис хис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунлариди асқотиб демакдир.

● Ўзининг ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

● Хар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватанин севиш ва унга ҳаётнинг сўнги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчама олмайдир.

Байт:
**Ватанга нафи йўқ яшалган хар кун,
 Инсон ҳаётида қолур бемазмун.**

● Ватан тарбиясини оила кўчогидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайдир. Улар учун ватан — она кўчогидир. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кўчогиди ва оила муносабатлариди вужудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озигини, дастлабки қувватини оила кўчогидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуға эга бўлганлар, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайдир.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватли бир оила муҳаббатини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддима-си, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

● Меҳнатни севиш, ғайрат билан матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгли роҳати, учинчиси — ақл ва эҳқоннинг ортишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, хар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

● Меҳнатни севамаган одам хар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлайди.

ХИКОЯТ. Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир золим йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё Раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен хар нарсага қодирсан!»

Золим балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тикилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кечга яқин Аллоҳга ёлворди. Золим тушида: «Фалон одамнинг хақини берасан, шундан сўнг хасталиқдан кутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчинни қидириб топди. Унга минг дирхам бериб халоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан кутулди.

Байт:
**Меҳнат ила ҳал бўлади хар мушкул,
 Кими дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.**

Маннон НАБИЕВ

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Этиқод ва муҳаббат ёнма-ён бўлгани бахт, бири — қалб, бири — қанот демакдир.

Кексаларга ҳурмат — одобнинг аввалидир, бу фазилатни йўқотган ёшнинг ҳеч қачон омади чопмайди.

Бир аёл ўз боласини ниҳоятда яхши кўриши билан мақтанарди. Ҳа, ким ўз фарзандини ёмон кўради. Ҳамма болаларни яхши кўришдек фазилатга эга бўлган она чинакам Онадир.

Шоирлар илгари ҳам кўп бўлган, ҳозир ҳам кўп, келажакда ҳам кўп бўлади. Навоий замонида Ҳиротда ҳам, Самарқандда ҳам ҳар уч кишидан бирини «Сиз шеър ёзмайсизми?» деб сўраганлариди, «Орий» деб жавоб қилган. Аммо ҳақ дилини билди ёзган шоирлар асрлардан асрларга ўта оладилар.

Пилла ҳам, бузоқбоши ҳам қурт, кўринишга қараб баҳолама, бири — инсонга бебаҳо ипак беради, бири — мева дарактининг илдизини кемириб қуритади.

Фирибгар усталик билан иш кўрар экан, икки дўст иноқидининг бузилиши ҳеч гап эмас. Дўстлар ёқалашидан манфаатдор шахслар узоқ юрмоқ, ҳазар қилмоқ лозим.

Айёрлик бор, донолик бор, уларни бир-бирига қўшиб бўлмайди, бири — ўз манфаатини, бири — эл манфаатини кўзлайди.

Чўчиб ҳажв ёзадиган адиб кўли қалтироқ сартарошни эслатади, у албатта бир ерининг кесиб олади. Баъзан бунинг акси — сартарошлар кексайиб, маҳорати ошганда кўли қалтироқ бўлиб қолади. Ҳажвчи адиб ҳам...

Чангу гўбор бўлмаганда инсон минг йил умр кўрарди деган эди Абу Али ибн Сино. Эй, буюк олим, ҳасад асаб деган нарса бўлмасокин инсон ўз йил яшаганига не етсин!

Кўш ҳамма ерга бир хил нур сочгани билан гузорда гул, мағзадан сассиқ алаф гиёҳи униб чиқади. Ҳа, фарзанднинг безорилиги учун ота-она ҳам жавобгар, гарчи аччиқ бўлса ҳам бу сўзни айтаман.

Бир шогирд устозидан дарс оларди-ю устози ўз рақиблари билан жангга тушганда у ўзини четга тортарди. Устоз ҳайрон, рақибдан кўра ҳам шогирдининг қилчи жигарини эзарди. Бу воқеани эчкиэмарга ўхшатиш мумкин, у чўпон ухлаганда эчкини эмиб кетармиш... Устоз кейинчалик ўзининг яхши устоз эмаслигини фаҳмлаб, у шогирдининг сиртига боқибди юрагига қаролмабди.

Ҳайитбой оқсоқол деган деҳқон бобонинг номи Тошкентнинг Эски шаҳарида қадимдан машҳур. Баъзилар лоф уриб, ота «минг йилдан бери қишлоқ оқсоқоли бўлиб ишлабдилар, қишин-ёзин кўксилари очик, анордай қип-қизил, оёқда ағдарма этик... Ўзларининг ай-

тишларича дориларга кўп ружу қилмасликлар шу тўқсон тўққиз ёшга етказган эмиш. Ғийбатдан, бангворликдан сақланиш кишининг умрига умр кўшармиш.

Китоб ўқимайдиган кимса, гапнинг очиги — шўрмиш. У на санъат адабиёт ва дўстлари қадрига элади.

Қандай китоб сизга ёқад, деб сўрадан бир ватандошимдан. У жавоб берди: нондек меълага тегмайдиган, ҳалол ва ҳаққоний ёзилган китоб.

Хориждаги бир гумроҳ «тарихчи» пойтахт Тошкентимга тил теккизиб, камситган эди... Рақибдан нима ҳам кутиш мумкин! Ўша «тарихчи» бундан минг йил аввал Буюк Абулқосим Фирдавсийнинг Тошкент хусусида «Шоҳнома» дostonида:

«...Бимолд Чоч камонро ба даст,
 Ба чарми гаваз анлар овард шаст...»

деб ёзганини билармики? (Яъни, паҳлавон Рустам Чоч — Тошкентда яшалган камонини кўлга олиб, тахт турди деган эди.) Димшоқий қилч, Тошкандий камон дунё-

МИРМУХСИН,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚАТРАЛАР

(Ҳажв дафтарида)

га машҳур бўлган. Тошкент камонидан отилган ўқ хорижийлик душман кўксига етиб бора олади.

Баъзан рақиб ёнма-ён юради, уни пайқамайсан. Мир Алишер Навоий бу ҳақда шундай деганлар: «Душман кўзингга кўринмагани билан ундан бепарво бўлма, шамол ҳам кўзга кўринмай келиш шамни ўчиради...»

Бир кимса кимнага савол бериб, сиз минг йил авалги ўтган Хоразмшохлар жангидан Жалолодин Мангуберди ҳақида ва «Темур Малик», «Турон маликаси» романларини, етти юз йиллик «Мезмор» романи, уч минг йиллик «Широқ» дostonини ёзиб нима демоқчисиз? деди. Мен унга шундай жавоб қилдим: «Уч минг йиллик тарихим илдизини етиб келган экан, биз кейинги уч минг йилларга ҳам етиб бораемиз, демоқчиман».

● **Ўндан ортқ романларининг, ўн бешга яқин дostonларининг, кўпгина ҳикоялар, қиссалар, публицистик мақолаларининг муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти нишондори, «Эл-юрт хурмати» ордени ва бошқа мукофотларининг соҳиби, Ёзувчи Мирмуҳсин ўзининг 80 ёшини тўлмай ижод қилиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш билан қутиб олмоқда. Биз ҳам севишли ёзувчиимизни «Оқшом» мушаррайлари номидан сиздиқидан, самимий муборакбод этишимиз.**

ТАҚДИМОТ

тушунча ва тамойилларини аҳоли онги ва қалбига сингдириш ўз-ўзидан амалга ошадиган вазифа эмас. Бунинг учун кўп назарий масалаларни ишлаб чиқиш, илмий хулосаларни ҳаётга татбиқ этиш, амалий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Бугунги кунда тарғиботчи-ташвиқотчиларни илмий-назарий жиҳатдан қуроллантириш, миллий истиқлол госясининг муайян тушунча ва тамойилларини шарҳлайдиган рисоалар чоп этишга эҳтиёж катта.

«Воизга ёрдам» туркумининг бу рисоалари бевосита «Миллий истиқлол госяси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг бандларини илмий-оммабоп усулда тушунириб бергани билан эътиборли. Бундан ташқари улар бизда маънавий-маърифий тарғибот ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янги поғоналар сари илгарилангандан далолат беради.

Гулором ҲАМИДОВА

Оммабоп рисоалар

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан Фан ва техника Давлат кўмитаси ҳомийлигида миллий истиқлол госясининг долзарб масалаларига бағишланган маъруза матнларини «Воизга ёрдам» руқни остида нашр қилиш йўлга қўйилиб, ўтган йили «Маънавият» нашриётида 10 та рисола босилиб чиққан эди. Кунин кеча шу туркумдаги рисоаларнинг янги 5 маъруза матнини, шунингдек, «Миллий истиқлол госяси: кўргазмалли воситалар» қўлланмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг раиси А. Болов, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг раиси Қ. Назаров, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Қ. Ибайдуллаев ва бошқалар, шунингдек рисола муаллифлари сўзга чиқиб ушбу китобларнинг мазмун ва моҳияти, кенг омма орасига етиб бориб «Воизга ёрдам» туркумида катта аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлаб, ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Миллий истиқлол госясининг асосий

Вафоли бўлармикан

Гўзаллар ҳам дунёда вафоли бўлармикан,
Ё фақат дилга алам, жафоли бўлармикан?

Лек кўрмадим вафосин, фақат кўрдим жафосин,
Фақат гўзал ҳаёти сафоли бўлармикан?

НАЗМ

Мунча зулм қилмоқдин мақсади нима эркан,
Азоблари дорудай шифоли бўлармикан?

Бу ишнинг хазин куйи таралар борлигимга,
Ёки севган кўнгиллар наволи бўлармикан?

Муҳаббатда вафога висол бўлса муқофот,
Вафосизлик, жафонинг заволи бўлармикан?

Сиз гўзалсиз

Сиз гўзалсиз, доносиз,
Атиргулсиз, раъносиз,
Ёмонликдан тонасиз,
Макрга бегонасиз.

Тун ёришар кулсангиз,
Сой тўхтар сўйласангиз,
Булбул лол куйласангиз,
Кўшиқлари давосиз.

Кўзларингиз ёнган чўғ,
Қошлар камон, отар ўк,
Сизга тенг дунёда йўқ,
Аъллолардан азлосиз.

Кўйингизда ёнган мен,
Жафонгизга қонган мен,
Инсоф тилаб қолган мен,
Мен учун ягонасиз.

Кўнглиннгиз тўлдими, ёр

Бир келмасдан зор этиб,
Жафони такрор этиб,
Юракни муз, қор этиб
Кўнглиннгиз тўлдими, ёр?

Ёр қаттиқ, осмон йироқ,
Муҳаббат экан фироқ,
Кўринмайди нур, чирок,
Кўнглиннгиз тўлдими, ёр?

Севганимни биласиз,
Билиб ситам қиласиз,
Биз йингиласак, куласиз,
Кўнглиннгиз тўлдими, ёр?

Бепарвосиз сиз ҳамон,
Юракни ўртар армон,
Сиз яхшисиз, биз ёмон,
Кўнглиннгиз тўлдими ёр?

Жоним

Кўзларингиз чакмоққа, юлдузга ўхшар,
Юзларингиз ой юзга, гул юзга ўхшар,
Сўзларингиз новвот сўз, бол
сўзга ўхшар,
Сендан ўтарини топмадим жоним.

Фақат ҳижронингдан кўнгиладим,
Тонгларни уйотган оху зоримдир,
Нахотки бир умр қайғу ёримдир,
Сендан ўзгасига боқмадим жоним.

Кел энди, раҳм қил, ҳолимга қара,
Дардимга шифо топ, топақол чора,
Васлингга бир кун итсам деб зора,
Бошқа манзилларга чопмадим жоним.

Туроб НИЁЗ

«Хавас» кортга чорлайди

ТЕННИС



Хар йили баҳор ойларида раҳбар ходимлар ўртасида теннис мусобақаларини ўтказиб туриш яхши анъана тусига кирган. Хусусан, кун кеча шахримиздаги раҳбар ходимлар ўртасида «Ибрат» мусобақалари катта муваффақият билан бўлиб ўтди. Энди эса шинам ва қўлай «Динамо» теннис кортларида 5-6 май кунлари республикамиздаги бирлашма, уюшма, компания, концерн ва йирик корхоналар, вазириликлар раҳбарлари, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари ўртасида анъанавий олтинчи «Хавас» мусобақалари ўтказилди.

рациясининг бош котиби Игорь Шепелев. — Мусобақанинг кўнгиладигидек ўтиши учун «Динамо» теннис кортларида тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Уйламанки, раҳбарларнинг спортга бунчалик ошно бўлишлари тенниснинг халқ ўртасида янада кўпроқ оммалашувиغا муҳим туртки бўлади.

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика теннис федерацияси савий-ҳаракатлари билан ташкил этилаётган «Хавас» турнири қолибларига кўпгина қўшма корхона ва бирлашмалар ўз совринларини таъсис этишди.

(Ўз мухбиримиз)

Маҳаллада учрашув

Собир Раҳимов туманидаги Навоий маҳалласида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуда учрашув бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этди.

Мустиқлик Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган асосий мақсадларидан бири — соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш экани, камолга етаётган авлод тақдирини мамлакатимиз болажиги билан чамбарчас боғлиқ фикр-мулоҳазалар учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

Учрашувда маҳалла оксоқоли Шукур Саторов ўрта таълим мактабидида ишлаганини учун ҳам ёшлар билан бир зумда тил топишиб олади, уларнинг ҳаёти билан қизиқади. У учрашувда ёшлар ўз миллати ва ўрни тарихини, урф-одатлари ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаларидан лозим даражада хабардор бўлиши зарурлигига алоҳида тўхтади.

Халқимизда «Бир болага етти кўшни ота-она», деган мақол бор. Бу ҳикматли мақол замирида катта маъно бор. Йилгилиш катнашчилари бугунги долзарб масалаларни муҳокама қилиш билан бирга эртанги кун истиқболлари юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нозимахон АСҚАРОВА,
Тошкент шаҳридаги
41-ўрта мактаб ўқувчиси.



Табиат шайдолари.

Равиль Альбеков олган суратлар.

ЎТМИШДАН САДО

Онаизор

Чол-кампиру ёлғиз ўғилдан иборат аҳлигина оила бор эди. Чол ҳам, кампир ҳам маҳалламизнинг обрўли, ҳурматли, ардоқли одамларидан. Ўғилни қўйверасиз: болам шунга ўхшасин, деб оруз қиларди ҳамма.

Вақт-соати келиб, чол-кампир ниётларига етиб, чиройли тўй қилиб, ўғилни уйлантиришди. Бу оила яхши кунларга етганидан ҳамма хурсанд. Бироқ, чолнинг қулгоғи тинчимай қолди. Кампир келинидан нолийверди. Ярим йил ҳам ўтмасдан чол ҳовли қилдиришга тушди. Келин-кўёни булак қилмоқчи экан. Маҳалла катталари чоғроққина ҳовли топиб беришди. Баҳоси ҳам айтарли балинд эмас. Янги оила шу ерга кўчиб чиқди. Хайрият, қариялар кўзининг нури — ўғли келини узокка кетмади.

У вақтларда водопровод эски шаҳарда эндигина одат бўлаётган, унинг суви-

ни «воданинг суви» деб юрган пайтларимиз. Хар қайси ҳовлига қувур олиб кириш расм бўлмаган. Бир маҳаллада битта, ҳатто икки-уч маҳаллада битта жойда кўчага сув крани ўрнатиб қўйилар, унинг сув очадиган қулгоғи ихчамгина дўконча ичиди бўлиб, у ерда ўтирган махсус одам узатган дафтарчангиздан патта йиртиб олиб, кейин сув қуйиб беради. Чол ҳар кун эрталаб ўзи сув олиб келиб, ошхонадаги иккита бочкани тўлдириб қўярди.

Ёшлар булак бўлишгандан кейин чолнинг қулгоғи тинчиди-ю, кампир фалати одат чиқарди: кечқурунлари челақ кўтариб, сувга борадиган бўлиб қолди. Чол бир-икки қизиксинса, «қўйверинг, нимаям қилардим уйда ўтиривериб» деб қутиларди. Ойни этак билан ёпиб бўлмади. Ахир сир очилди. Кампир ҳар кун кечқурун оватқат сузилган косани челақ тагига қўйиб, келинига ташлаб келар экан. Чол:

— Ҳа? — деса,
— Бир косагина оватқатни болаларимга илинсам нима қилибди? — деб жавоб берибди.

Қора нон

Етмишдан ошганлар яхши билишадилар: ўттизинчи йиллар бошидаги очарчиликда «забор кнжика»га қоп-қора «ржаной» нон бериларди. Кесамадан десангиз, нон пичоққа ёпишиб кесилмасди, шунинг учун пичоқни хар дам-хар дам сувга тикиб олиб кесиларди.

Шундоқ вақтда катта синглим Саноат қаттиқ касал бўлди. Кўрсатишмаган докторлари қолмади. Москвадаги дунёда машҳур мутахассислар ҳам кўрди. Нафи бўлмади. Бунинг устига синглим зўр бериб, ўша «балчиқ» нонни ейман дер эди. У нонни хаста тугул, соғ одам еса, ҳазм қилиши маҳол эди. Табиийки, беришмасди. Синглим зорланиб сўрашини қўймас, дадам, онам минг турли баҳона қилиб беришмас, қаёқлардан бир бурда бўлса ҳам оқ нон топиб, унга илинишарди...

Ахир докторлар «боладан умид

йўқ»лигини дадам-онамдан яшириб ўтирмай, «энди ҳамма дориларни ҳам, уколларни ҳам тўхтатишни, боланинг қолган бешолти қуллик умрида қийнамақлини» маслаҳат беришди. Ночора, дадам ҳам, онам ҳам йиғидан бошқа ҳеч нима қилиша олмасди. Шунда дадамнинг оналари, «Бозор бивим»:

— Энди бўлмадими? Умид йўқ дейишди-ми? Пешонасидаги шу бўлса, нима ҳам қила олардик. Ҳеч бўлмаса, энди болани қийнамайлик, ихтиёр қилаётгани ўша нонни берайлик. Ноумид кетмасин, — дебдилар, дадани бир чеккага қақриб. Дадам онам билан маслаҳатлашиб рози бўлишди. Олдин бир тиллашмагина беришди, кейин кун сайин кўпайтира боришди. Бора-бора хавотир қилишган муҳлат ҳам ўтиб, синглим оз-оздан тузалиб кетди.

Мана, энди у икки қиз, икки ўғилнинг онаси, икки қув, икки келиннинг қайнониси. Унта бири-бирдан яхши неваралари бор.

Эркин ЖАББОРОВ

Мақоллар

- ◆ Яхши аёл — умр зийнати.
 - ◆ Яхшилик йўқ кишидан бахт қочади.
 - ◆ Кўнгиладиган сўз очади, сўзламаса кир босади.
 - ◆ Кўшингга қараб, уйингни тузат.
 - ◆ Оши кўпнинг тани семиради, Дўсти кўпнинг жони семиради.
 - ◆ Йўлдан орқага қайтсанг, Югурган ўзади, қувган етади.
- Тўпловчи
Кидирбой Тўлабоев.

ҲАНГОМАЛАР

Отланиб олган янги келин қайнонага деди:
— Ойижон, мени судга чақиршияпти, бормасам бўлмайди.

Ҳангу манг бўлиб қолган қайнона жон ҳолатда:

— Жон болам, ўғлим сизни шунчалик хафа қилган бўлса нега менга шу кунгача чурқ этмадингиз? — дебди.

— Нималар деясиз ойижон, ахир мен судда ишлайман, бугун кўриладиган бир муҳим иш бор экан, — дебди келин қайнонасини кучиб.

Бир келин ҳайрон бўлиб, тошойнага қараб ўзига-ўзи шундай дебди:

— Бир қайнона вақти келганида ўнталаб келинига чидайди, нега ўнталаб келинлар бир қайнонага чидай олмас эканлар-а?!

Қайнона келинидан сўрабди:

— Айланай келинпоша, қайси кунлари сиз учун байрамдек туюлади?

— Уйимга бориш учун рухсат берган кунларингизда, ойижон! — дебди келин. Сандмурод САИДАХМАД



Спортга ошно қизлар.

БИЛАСИЗМИ?

Атирни ким кашф этган?

Хушбўй атирларни ҳозиргидек пардоз ва озодалик, димохушлик учун ишлатиш қачон бошланган? Атир тайёрлаш техникасини, унинг хилларини кўпайтириш, саралаш ва яхшилаш назариясини тарихда биринчи бўлиб буюк олим Абу Али ибн Сино ишлаб чиққан.

Унинг рецепти билан тайёрланган эссенциялар кейинчалик бутун оламга тарқалган. Урта асрда Италия ва Францияда очилган биринчи парфюмерия устахоналари Ибн Сино тавсияномалари бўйича ишлаб бошлаган.

Дилдора СОДИКОВА

ТАЪЛИМ

Эколог-бакалаврлар

Тежамкор ва хавфсиз технологияларни яратиш бўйича Тошкент автомобиль йўллари институтида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Олий ўқув юртида «Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси» кафедраси бу борада аиникса, фаоллик кўрсатмоқда.

Бу ерда атроф-муҳит ҳимояси йўналишида эколог-бакалаврлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Янги ихтисосдаги билажак кадрлар учун «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан стипендия таъсис этилди.

Анвар АҲАДОВ

ТАДБИРЛАР

Ватан мадҳи янгради

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг 10 йиллиги ҳамда Аналар ва болалар йили муносабати билан «Ўзбекистон — менинг Ватаним» шаҳар кўрик-танловларининг Миробод тумани босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда тумандаги 18 та мактабнинг санъатсевар ўқувчилари, ихтидорли ёш ўғил-қизлар иштирок этишди. Уларнинг она Ватан, бахт-

Қимматли таклифлар айтилди

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Замонавий шайхларда маданият муассасалари иш шакли ва услубларининг ўзгариши масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда анжуман мавзусига тааллуқли маърузалар тингланди.

Мустиқлик йилларида маданият муассасалари иш шакли, услубларининг тубдан

ли болалик, мустиқлик ҳақидаги қўшиқ ҳамда рақслари бир гуруҳ ҳайрат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

— Болажонларимизнинг Ватан, она, болалик, гўзал замонамиз ҳақида бундай жўшиб қўйлашлари, бу — мустиқлигимиз берган бахтнинг нишонасидир, — дейди туман халқ таълими бўлиши мудири Л. Абдураулов. — Албатта, ўғил-қизларимизнинг маънавиятини юксалтиришда, уларни мустиқлик юртимизга садоқат, миллий кадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда бундай кўрик-танловларнинг ўрни беқиёсдир. Жўшиб қалбидан қуйлаган инсон, шубҳасиз, ўз юртини ана шундай жўшқинлик билан севади, ардоқлайди.

Дилноза ГИЁСОВА

ўзгариши, уларнинг миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура билан уйғунлигини таъминлашдаги тажрибалар умумлаштирилди, мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилди. Айни пайтда, ҳозирги шароитда маданият муассасалари иш фаолиятини такомиллаштириш, уларни замон талабларига мослаштириш бўйича таклифлар киритилди.

Садбархон ЖўРАЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Томошабинларнинг кўпдан кўп илтимосларига бinoан ўргатилган хайонларнинг машҳур бўлган аттракцион гастроллари

20 майга қадар узайтирилади

Раҳбари Рустем Паша

Цирк ҳафтада 3 кун ишлайди
Жума кунлари соат 18.00 да
Шанба ва яқшанба кунлари соат 12.15, 18.00 да

9 Майда
томошалар 15.00 да бошланади
Ҳамма томошаларга жамoa бўлиб келиш учун илтимоснома қабул қилинмоқда.
Маълумот учун телефон: 144-32-23

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси жамoаси Акмал Икромов тумани дезинфекция станцияси бош шифокори
Флора Фаридовна СИДИКОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур таъзия изор этилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қуналари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАБИ, 204-ХОНА.

Талабаларнинг республика олимпиадаси

КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг 10 йиллигига бағишланган Обу Райхон Бериунои номидаги Тошкент Давлат техника университетиде «Физика», «Информатика», «Назарий механика», «Электротехника», «Электротехниканинг назарий асослари», «Техникавий термодинамика ва иссиқлик узатиш», «Машина ва механизмлар назарияси», «Робототехника» ҳамда инглиз, немис, француз тилларидан техника ва қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлири, университетлар, педагогик институтиларнинг табиий фанлар факультетлари талабаларининг республика олимпиадасининг 2-босқичи ўз ишини бошлади. Олимпиада уч кун давом этади.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Бош ролни ўйнаш учун

Холливудга оид янги миш-миш тарқалди. Бундан буён машҳур супержосус Жеймс Бонд ролини аёл киши ўйнайди. Хабарда айтилишича, Буюк Британиялик актриса Кэтрин Зета-Жонс «Агент-007» фильмида бош ролни ўйнаш учун синовдан ўтмоқда. Илгари Жеймс Бонд ролини Шон Коннери, Рожер Мур ва Пирс Броснан каби таниқли актёрлар ўйнаб келар эди. 38 йилдан буён сахнадан тушмай келаётган бу киноасар мазкур актёрларни нафақат машҳур, балки бадавлат ҳам қилиб юборди.

Ғалати ҳукм

Нью-Йорк штатидаги Лебанон шаҳри Фукароси Регина Циммерман ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳукмини эшитиб тили қалимага келмай қолди. Майда ўғирлик билан тўрт марта қўлга тушган одамга қамоқ жазоси ўрнига муқобили йўлни тақлиф қилишди. Қандай жазо белгиланшидан беҳабар ўғри бунга рози бўлди. Чиқарилган ҳукмига биноан, бир йил давомида Циммерман савдо дўконларига кирганда, албатта, бўйнига «дўконларга ўғирликка киргани учун айбланади» деб ёзилган тахтачани осиб олиши керак.

Оғир тош

Ўрта ер денгизининг Кипр оролидаги нефть қудуқларида ишлаётган Товфик Мамеж нефтининг диққатини ўғил билан бирга отилиб чиққан тухум шаклидаги оғир тош ўзига торти. У бу тошнинг нима эканлигига қизиқиб, уни нефть қуйқаларидан тозалаган. Не кўз билан кўрсинки, бу «тош» оғирлиги 8 килограмм келадиган яхлит олтин бўлагай экан.

Нодир танга

Британия музейининг қадимги танга-чақа коллекциясида «Па» деб аталувчи ниҳоятда нодир, вазни 50 миллиграммлик танга сақланмоқда. Музей ходимларининг айтишича, «Патангаси Тинч океанининг фарбий қисмидаги Яп деган оролда яшовчи халқники экан. Бу танганинг ўртаси тешик — гардишсимон бўлиб, уни бир неча киши филдиратиб, «банк» деб ҳисобланган махсус жойга олиб боришаркан.

Турмуш қурувчилар университети

Польшанинг Вроцлав шаҳрида турмуш қурувчи ёш йигит ва қизлар учун университет очилган. Бўлажак келин-куёвлар бу ерда ахлоқ қоидалари, тиббиёт, психология, уй-рўзгор ишларини бошқариш, ошпазлик юзасидан сўхбатлар тинглашади.

Арзон телефон

Йўлдош алоқа телефонлари хануз қиммат «уйинчок»лиги маълум. Бироқ, яқин орада бу борада ҳам ижобий ўзгариш қутилмоқда. Гап шундаки, АҚШда бир мартали йўлдош алоқа телефонлари яратилди. Ушбу арзон телефонда маълум дақиқа гаплашганингиздан кейин, уни бемалол ахлат қутисига улоқтиришингиз мумкин.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер маркасида теринди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбoа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.